

УДК 616-071.2. 616.832

**КЕКСА ВА ҚАРИ ЁШЛИ АҲОЛИ ГУРУХИГА ЖИСМОНИЙ ФАОЛЛИК ВА
ТАШҚИ МУҲИТНИНГ ТАЪСИРИ
(адабиётлар шархи)**

Тешаев Ш. Ж., Джумаев К. Ш., Ражабова Г. Х.

Бухоро давлат тиббиёт институти, Ўзбекистон.

✓ *Резюме*

Хозирда дунёнинг кўплаб мамлакатларида кекса ва қари ёшдаги аҳолининг муаммоларини ўрганишига илмий қизиқиши кучаймоқда. Кекса ва қари ёш - инсон ҳаётининг муҳим даврларидан бири бўлиб, ушибу даврда организмда морфологик ва функционал ўзгаришилар рўй беради, бу ҳаётий фаолиятнинг аста-секин сўнишига олиб келади. Бирлашган миллатлар ташкилотининг тахминларига кўра, 2025 йилга келиб 60 ва ундан катта ёшдаги одамларнинг умумий сони 1,1 миллиардан ортиқ кишини ташкил қиласди. Хозирги кунда 80 ва ундан катта ёшдаги одамлар сони энг тез ўсиб: 1950 йилдаги 13 миллион кишидан 2025 йилгача 137 миллион кишига қадар боради. Шунингдек, бу борада Европа минтақаси сайёрамизда юқори ўрнини эгалламоқда, чунки дунёнинг кекса ва қари одамларнинг энг катта улушига эга 20 мамлакатидан 18таси унда жойлашган.

Калим сўзлар: Физик ривожланиши, гиподинамия, заарли одатлар, кекса ва қари ёш.

**ВЛИЯНИЕ ФИЗИЧЕСКОЙ АКТИВНОСТИ И ВНЕШНЕЙ СРЕДЫ НА ГРУППАХ
ПОЖИЛЫХ И СТАРЧЕСКИХ ВОЗРАСТАХ
(Обзор литературы)**

Тешаев Ш.Ж., Каромат Ш.Д., Ражабова Г.Х.

Бухарский государственный медицинский институт, Узбекистан

✓ *Резюме*

Во многих странах мира растет научный интерес к изучению проблем пожилых людей. Пожилой и старческий возраст - один из важнейших периодов жизни человека, во время которого в организме происходят морфологические и функциональные изменения, приводящие к постепенному прекращению жизнедеятельности. По прогнозам ООН, к 2025 году общее количество людей в возрасте 60 лет и старше превысит 1,1 миллиарда. Быстрее всего растет число людей в возрасте 80 лет и старше: с 13 миллионов в 1950 году до 137 миллионов к 2025 году. В этом отношении европейский регион занимает высокое положение на планете, так как в нем расположены 18 из 20 стран с наибольшей долей пожилых людей в мире.

Ключевые слова: физическое развитие, гиподинамия, вредные привычки, пожилой и старческий возраст.

**INFLUENCE OF PHYSICAL ACTIVITY AND THE EXTERNAL ENVIRONMENT ON THE
ELDERLY AND OLD AGE GROUPS
(literature review)**

Teshaev Sh. J., Djumaev K. Sh., Rajabova G. Kh.

Bukhara State Medical Institute, Uzbekistan

✓ *Resume*

In many countries around the world, there is a growing scientific interest in studying the problems of older people. Elderly and senile age is one of the most important periods of a person's life, during which morphological and functional changes occur in the body, leading to a gradual cessation of life. According to UN forecasts, by 2025 the total number of people aged 60 and over will exceed 1.1 billion. The fastest growing number of people are aged 80 and over, from 13 million in 1950 to 137 million by 2025. In this regard, the European region ranks high on the planet, with 18 of the 20 countries with the largest proportion of elderly people in the world.

Key words: physical development, physical inactivity, bad habits, old and senile age.

Долзарбилиги

Ахолининг қариши амалда барча мамлакатларда давлат муаммосига айланган, шу борада жамият кекса ва қари ёшдаги ахолининг фаол даврини узайтиришдан манфаатдор ва хозирги даврда олиб борилаётган фаолият уларнинг соғлигидаги ўзгаришларни қулай ва замонавий номедикаментоз усуулларини топишга йўналтирилган [1;15]. Қариш ва касаллик тушунчаларини тиббий амалиётда бир биридан ажратиш қийинди. Бунинг сабаби эса, асосан қаришнинг ички органлар патологияси билан биргаликда келишидир. Шунинг учун ҳам кекса авлод вакилларининг асосий муаммоларини ҳам тиббий, ҳам ижтимоий муаммолар сифатида тан олиниши керак [2].

Баъзи муаллифларнинг айтишича, қариш жараёни сабабли организмнинг адаптив имкониятлари камайиб боради. Бу нейрогуморал регуляция тизими, юрак-кон томир тизими, иммун реактивликдаги ўзгаришлар, шунингдек мушак кучининг ва чидамлилик пасайиши билан боғлиқ деб хисоблайдилар [8,15,23].

Ёш улгайиши билан барча антропометрик параметрларнинг ўзгариши кузатилади. Қаришнинг тезлиги ва интенсивлиги, авваламбор, одамнинг генетик келиб чиқиши ва унинг турмуш тарзи каби омилларга боғлиқ. Биринчи компонент - генетика, бу компонентни ўзгартириб бўлмайди, лекин иккинчи таъсир қилувчи компонент устида ҳаёт давомида ишлаш мумкин. Фаол узоқ умр кўриш организмнинг ички-ирсийлиги ва турли хилдаги ташқи омилларнинг ўзаро аралаштиришга боғлиқ. Ташқи муҳит тананинг ривожланишига ва умр кўриш давомийлигига ҳал қилувчи таъсир кўрсатади [3].

Хар бир жисмоний кўрсаткичнинг ўзгариши қатъий индивидуал бўлиб, жисмоний фаоллиги, овқатланиш хусусиятлари, заарли одатлари, ижтимоий ва оиласи ҳолати, яшаш шароити, мавжуд касалликлар ва бошқа шу каби омиллар билан боғлиқ [17]. Катта ёш гурухларида (кекса, қари ёшда ва узоқ умр кўриш даврида) жисмоний ривожланиш кўрсаткичлари ва тананинг таркибий тузилишининг ўзгарувчанлиги билан бир қаторда, барча популяция гурухлари учун характерли бўлган ўзгаришлар ҳам аниқланган [24]. Жисмоний фаолиятдан мақсадли фойдаланиш нафакат жисмоний қобилятнинг ёшга қараб пасайишини тўхтатибгина қолмай, балки

индивидуал қобилятларининг прогрессив ривожланишини сезиларли даражада кенгайтиришга имкон беради. Кекса ва қари одамларнинг жисмоний машқлар билан мунтазам шугулланиши орқали нафакат ижобий ҳис-туйғуларга эга бўладилар балки, уларнинг руҳий саломатлигига ижобий таъсир қиласи ва ёшга боғлиқ касалликларнинг олдини олади [12].

Юзага келаётган демографик жараёнлар кексалик ва қарилик муаммоларини ҳал қилишга ёрдам берадиган ва фаол узоқ умр кўриш учун шароит яратадиган маҳсус ижтимоий сиёsat чораларини ишлаб чиқиш зарурлигини кўрсатди. Кекса одамларнинг соғлом ва фаол ҳаёт тарзини таъминлаш учун шароит яратиш фаол қариш тушунчасининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Жаҳон соғлиқни саклаш ташкилоти (ЖССТ) мутахассислари маълумотларига кўра жисмоний фаолликнинг паст даражаси саломатлик учун муҳим хавф омилларидан бири ва ўлимнинг муҳим сабабларидан бири ҳисобланади. Уларнинг фикрича, жисмоний фаолият билан энг кам шугулланадиган кекса ва қари одамлар учун одатдаги жисмоний фаолиятни ривожлантириш ва тарғиб қилиш бўйича маҳсус тадбирларни ишлаб чиқиши тавсия этадилар [44]. Ушбу ёш гурухидаги одамлар учун жисмоний фаолият бу- бўш вақтларида дам олиш машқлари ёки машғулотлари, очик ҳавода (масалан, велосипедда ёки пиёда сайр қилиш), касбий фаолиятда (агар ишлашда давом этса), уй ишлари, мусобақалар, спорт ўйинлари ёки оила ва жамоада режалаштирилган тадбирларни кундалик фаолиятнинг бир қисми сифатида ўз ичига олади. Ахолининг соғлиғини баҳолашда уларнинг жисмоний ривожланиш даражасини конституциясининг морфологик хусусиятларини ўрганиш асосида амалга оширилади [9].

Хозирги вақтда соматотип билан боғлиқ бўлган патологик ўзгаришларнинг белгиси сифатида хизмат қиласидан конституцияий аҳамиятга молик белгиларни аниқлаш долзарб бўлиб қолмоқда [7]. Бундай тадқиқотлар учун антропометрик ёндашув асосида жисмоний ривожланиш параметрлари ва тана турини аниқлаш идеал бўлиб ҳисобланади [18].

Инсон саломатлигини белгиловчи омиллар орасида асосий ўрин соғлом турмуш тарзига тўғри келади. Заарли одатларнинг соғлиқка таъсири жуда катта. Сигарет чекадиган ёки спиртли ичимликларни кўп истеъмол қиласидан одамларда касалликлар

ривожланиши мұкаррар. Одамлар ўзларининг соғлиги, иш қобилятини сақлаши ва мустаҳкамлаши учун заарлы одатлардан воз кечиши, соғлом турмуш тарзини шакллантириши ва касалликларнинг олдини олиш чораларини кучайтиришлари керак.

Чекиши нафас олиш ва қон айланиш тизимиға бевосита заарлы таъсир күрсатади. Барча тұқымалар ва органларнинг қон билан таъминланишини бузади. Тамаки тутуни нафас олиш тизимиға узоқ вакт таъсир қилиши трахея ва бронхларнинг хилпилловчи хужайраларини жароҳатлады, бу эса ўпкага инфекцион агентларнинг кириб келишига сабаб бўлади. Натижада юқумли касалликлар хавфи ортади. Никотин микроциркуляцияга вазоконстриктив таъсир күрсатади, бу эса тромб ҳосил бўлишига замин яратиб инфаркт ва инсульт ривожланиши хавфини оширади.

Алкоголнинг катта дозалари ёки уни мунтазам истеъмол қилиш биринчи навбатда овқат ҳазм қилиш тизимиға таъсир қиласи. Спиртли ичимликлар ошқозон деворларига тўғридан-тўғри кимёвий таъсир күрсатади, ошқозон яраси ва унинг малигнизациясини келтириб чиқариши мумкин. Спиртли ичимликлар жигар ва ошқозон ости безига ҳам салбий таъсир қиласи ва одамлар учун жуда муҳим бўлган бу органларнинг хужайраларини йўқ қиласи. Спиртли ичимликларнинг парчалаш маҳсулотлари юрак мушакларига токсик таъсир күрсатиши мумкин, бу юрак хуружи ёки юрак ритми билан боғлиқ муаммоларни оширади.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, мунтазам машқлар билан шуғулланувчилар қарияларнинг аҳволига ижобий таъсир кўрсатади. Юкори жисмоний фаоллик саломатликни сақлаш ва мустаҳкамлашга ёрдам беради, организмнинг мослашувчан имкониятларини оширади, сурункали касалликларнинг кўзишини камайтиради ва одамларнинг психо-эмоционал ҳолатини такомиллаштиради, когнитив дисфункция пасайиши, йиқилиш, ақлий саломатликнинг бузилиши, харакатчанликнинг бузилиши каби нохуш ҳолатлар хавфини камайтиради [3, 10, 32, 34].

Бир нечта тадқиқотлар шуни кўрсатадики, қари одамларда жисмоний машқлар билан шуғилланиш турли хилдаги тиббий оқибатлар(шикастланиш, ногиронлик, ўлим) хавфини камайтиради [29, 30].

Шу муносабат билан Россия ва бошқа мамлакатларда ҳам гиподинамия олдини олиш мақсадида аҳолининг жисмоний фаоллигини ошириш стратегияси амалга

оширилмоқда [27, 35, 42]. ЖССТ нинг “соғлик учун жисмоний фаоллик глобал тавсиялар” тавсиясида қари одамлар учун жисмоний фаолликни тавсия этади ва қари кишилар ҳафтасига 150 дақиқадан кам бўлмаган даражадаги енгил интенсивликдаги жисмоний фаоллик билан шуғулланиши зарурлиги айтилган [44]. S. Kahlmeieratal (2015) томонидан миллий тавсияларда жисмоний фаолликнинг мавжудлиги ва унинг таркиби тизимли таҳлил қилинганда Европа минақасининг ўттиз еттитасидан ўн олтиласида миллий тавсияларнинг мавжуд эмаслиги, мавжудларининг аксариятида нафақа ёшидаги кишилар кунига бир соатдан кам бўлмаган микдордаги ҳаракат фаоллиги тавсия этилгани, учтасида жуда узоқ, биртасида бирмунча қисқа давом этувчи жисмоний активлик ва учтасида тўлиқ ЖССТ тавсиясига мос келувчи тавсиялар берилганлиги аниқланган [33].

Тадқиқотчилар қари кишиларнинг замонавий жамиятга мослашишнинг асосий усулларидан бири жисмоний маданият эканлиги, у нафақат бандлик балки ижтимоий фаолиятнинг бир шакли эканлигини, жисмоний ва руҳий саломатликни сақлаш омили экани ва натижада ижтимоий мослашувчанликни тарғиб қилишкештеш таъкидлашади [34]. Жисмоний фаолият жисмоний кўрсаткичларнинг оширувчи асосий восита бўлиб, касалликларнинг олдини олишга, қарияларнинг ижтимоий фаоллигини қўллаб-куvvatлашга кодир [16, 32]. Шу муносабат билан, тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, жисмоний активлик одамлар ҳаёт фаолиятида, хусусан, кексалик даврида муҳим рол ўйнайди [22, 41]. Чет эллик тадқиқотчилар шуни кўрсатадики, кам жисмоний фаоллик гипертония, коронар етишмовчилик, остеопороз, дегенератив артрит ва қандли диабет каби касалликлар частотасининг ошишига сабаб бўлади. Қариш жараёнда тананинг барча функциялари заифлашади, бу кекса авлодда кўпчилик сурункали касалликлар хавфини оширади [34, 43]. Ёш ўсиб бориши билан мушак массасининг пасайиши кузатилиб, у ўз навбатида фаолият ва иш қобилятигининг пасайиши билан кечади. Эллик ёшдан кейин куч ҳар ўн йилда 12-14% га камаяди. 65-85 ёшда кучнинг пасайиши йилига 3-5% га тўғри келади. Тез чарчаш натижасида одатдаги ишлар билан шуғулланиш ва бошлаган ишини охирига етказиш имконияти бўлмай қолади. Қарияларга дўконга бориб келиш каби кам жисмоний фаолиятни

бажариш ва ҳатто ётоказдан туриш ҳам қийин бўлиб қолади. Ҳаракат фаоллиги нафақат дегенератив жараёнларни тўхтатади, балки жуда кекса одамларда ҳам куч ва чидамлилик кўпайишига ёрдам беради [4,5,37,38].

Турли муаллифларнинг турли хил соҳаларда фаолият кўрсатадиган(ақлий фаолиятдан токи оғир жисмоний фаолиятгача) гурухларда кўплаб тадқиқотлари шуни кўрсатадики, мунтазам жисмоний машқлар билан шуғулланувчи кўшимча энергия талаб қилувчи гурухларда меҳнат фаолиятида кўрсаткичлари анча юқори, иш куни охирига қадар камрок чарчаш, кейинги иш куни бошланишига тикланиш жуда яхши, касалланиш сезиларли даражада паст, яхши жисмоний ривожланиш ва бошқалар бўлган [18,19].

Чет эл тадқиқотлари кекса аёллар ўртасида жисмоний тарбия пайтида тўғри овқатланиш мухим эканлигини кўрсатди. Бунда аёллар гурухи ўртасида ўн икки ҳафталиқ тажрибадан сўнг машғулотлар даврида маълум бир парҳез асосида овқатланиб жисмоний тарбия билан шуғулланадиган аёллар одатдаги овқатланиш орқали жисмоний тарбия билан шуғулланадиган аёлларга нисбатан юқори кўрсаткичларни кўрсатган. Қариш, шунингдек, уйқу сифатига таъсир қилади, кекса одамларда кечаси уйқусизлик ва кундузи уйқучанликни бошдан кечиради. Тадқиқот натижаларига кўра, уйда бажариш осон бўлган машқлар қилиш камҳаракат кексаларда кундузги уйқучанликни камайтириб уйқу сифатини яхшилади [28].

Бошқа бир тадқиқот шуни кўрсатадики, ўн олти ҳафта давомида бўлиб ўтган аэробик жисмоний фаоллик эллик беш ёшдан ошган, уйқусизликка учраган қарияларга ижобий таъсир кўрсатган, ухлаш сифати ошган, депрессив симптомларнинг пасайиши, кундузги уйқунинг камайиши, хаёт даражасининг бошланғич даражага нисбатан яхшиланиши кузатилган [39].

Ҳаракат активлиги умумий тушунча булиб у ҳаётий зарур ҳаракатлар, иш фаолияти билан боғлиқ ҳаракатлар, жисмоний тарбия, яшаш тарзи, климато-географик омиллар, бўш вақтларини фойдаланиш хусусиятлари ва бошқа шароитларни ўз ичига олади. Кўпгина муаллифлар истеъмол қилинадиган овқат миқдори ва моддалар алмашинуви интенсивлигини инобатга олган ҳолда ҳаракат активлигининг меъёри бўлиши керак деб ҳисоблашади [6,7,23,25].

Илмий ва расмий манбаларда келтирилган статистик маълумотларга кўра [11,12,13], вазият қуйидагicha:

- 65-75 ёшда 15% одамларда кам жисмоний фаоллик, 75 ёшдан кейин бундай шахсларнинг улуши 30% гача кўтарилади; - 17 дан 41 фоизгача тиббий муассасаларга ўзлари кела олмайди;

- кекса ёшдаги одамларнинг 50% ҳатто паст жисмоний ҳаракатда ҳам қийналади; - 60 ёшдан ошганларнинг 33% и йилига камида бир марта йикиласди, улардан 25%и сон суяги бошчаси синиб, биринчи олти ой давомида вафот этади; - 31% и ўз-ўзига хизмат кўрсатишда қийналади;

- 8%и уйдан чиқа олмайди; - 5% и ётоказдан кўтарилимайди; - 58% и ўз соғлигини "ёмон" деб баҳолашади; - 74%и доимий равища дори-дармонларни қабул қиласди. Юқори жисмоний фаоллик кекса одамларнинг жисмоний кўрсаткичлари ва соғлигини ошириш орқали уларнинг ҳаёт сифатини оширишда энг мухим аҳамиятга эга [21,31]. Р.Э. Мотильянская таъкидлашича, жисмоний фаолият касалликларнинг олдини олиш ва соғликни мустаҳкамлашда мухим ўрин тутади. Унинг фикрига кўра, кекса ва қари ёшли одамлар саломатлигининг яхши бўлиши асосий омиллари фаол ҳаракат ва зарарли одатлардан холи бўлишdir [21].

Хулоса

Хулоса қилиб айтганда, қарияларда бирламчи ва ихтисослаштирилган тиббий ёрдам ҳажми меҳнатга лаёқатли ёшдаги одамларга қараганда 11 баравар кўпроқ зарур бўлади. Замонавий соғлиқни сақлаш тизими қарилардаги олдиндан шаклланган касалликларни даволаш орқали улар саломатлигининг ўсишига эриша олмайди. Шу муносабат билан касалликларнинг бирламчи профилактика чораларини, хусусан жисмоний фаолликни тарғиб қилиш каби тадбирларни амалга ошириш зарур.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Agronovich N.V. Organizatsiya i provedeniye grupp zdorov'ya dlya lits pozhilogo i starcheskogo vozrasta – vazhnnyy element, sposobstvuyushchiy prodleniyu aktivnogo dolgoletiya // Sovremennyye problemy nauki i obrazovaniya. – 2015. – № 1-1. – S. 1320.
2. Akopyan Ye.S. O regulirovaniyu nagruzok v zanyatiyakh grupp zdorov'ya na etape podderzhaniya konditsii // Sovremennyuy olimpiyskiy sport i sport dlya vsekh:

- materialy konferentsii. – M., – 2003. – T. 3. – S. 3
3. Bakhetmetova G.SH. Sovremennyye problemy stareniya naseleniya v mire: tendentsii, perspektivy, vzaimootnosheniya mezhdu 22. pokoleniyami / M. : MAKS Press, 2004. 229 s.
 4. Vladimirov D.G. Starsheye pokoleniye kak faktor ekonomichesko- 13. go razvitiya Rossii // Sotsiol. issled. 2004. № 4. S. 57-60.
 5. Balakireva Ye.A. Fizicheskaya reabilitatsiya lits s zabolevaniyem serdechno-sosudistoy sistemy // Pedagogika, psikhologiya i mediko-biologicheskiye problemy fizicheskogo vospitaniya i sporta. – Khar'kov, 2009. – № 5. – S. 6-9.
 6. Vinogradov P.A. Osnovy fizicheskoy kul'tury: ucheb.posobiye – M., 1996. – 130 s.
 7. Volkov V.K. Sovremennyye i traditsionnyye ozdorovitel'nyye // Teoriya i praktika fizicheskoy kul'tury. – 1996. – № 12. – S. 24-27.
 8. Gavrilov D.N. Pedagogicheskiye i organizatsionnyye osobennosti dvigatel'nogo rezhima lyudey zreloga i pozhilogo vozrasta // Teoriya i praktika fizicheskoy kul'tury. – 2002. – № 4. – S. 44-47.
 9. Godina Ye.Z. Dinamika protsessov rosta i razvitiya u cheloveka: prostranstvenno-vremennyye aspekty: avtoref. dis. ... d-ra biol. nauk: //03.03.02. — M., 2001. — 50 s.
 10. Danilkina Yu.A. Ozdorovitel'naya fizicheskaya kul'tura: vliyaniye na organizm // Simvol nauki. – 2015. – № 4. – S. 174-176.
 11. Yegikov S.G. Regulirovaniye dinamiki summarnogo ob'yema nagruzok pri vozobnovlenii zanyatiy po obshchey fizicheskoy podgotovke s lyud'mi zreloga vozrasta[Tekst]: avtoref. dis. ... kand. ped. nauk – M.: GTSOLIFK, 1986. – 25 s.
 12. Izaak S.I. Fizicheskoye razvitiye i fizicheskaya podgotovlennost' v sisteme monitoringa sostoyaniya fizicheskogo zdror'ya naseleniya: vozrastno-polovyye osobennosti // Teoriya i praktika fizicheskoy kul'tury. – 2004. – № 11. – S. 51.
 13. Ispol'zovaniye mediko-biologicheskikh i komp'yuternykh tekhnologiy v otsenke sostoyaniya zdror'ya lits starshego vozrasta / V.A. Kitmanov, YU.A. Ovchinnikova, YU.P. Pchelintsev [i dr.] // Teoriya i praktika fizicheskoy kul'tury. – 2003. – № 11. – S. 24-27.
 14. Kasarkina Ye.N. Zavisimost' sotsial'noy adaptatsii pozhilykh lyudey ot ikh potrebnostey i vozmozhnostey zanyatiya fizicheskoy kul'turoy // Uchenyye zapiski Sankt-Peterburgskogo gosudarstvennogo instituta psikhologii i sotsial'noy raboty. – 2017. – T. 28. – № 2 (28). – S. 100-105.
 15. Kitmanov V.A. Fiziologicheskiye osnovy adaptatsii organizma cheloveka k fizicheskim nagruzkam: Uchebnoye posobiye. -Tambov: TROO «Biznes-Nauka-Obshchestvo», 2011. - 172 s.
 16. Kossinskaya N.S. Protsessy yestestvennogo i patologicheskogo stareniya. - L.: Medgiz, 1984. - 129 s.
 17. Kortava ZH.K. Tekhnologiya primeneniya silovykh uprazhneniy i zakalivaniya v ozdorovlenii zhenshchin pervogo zreloga vozrasta[Tekst]: avtoref. dis. ... kand. ped. nauk: 13.00.04. - M., 2000. - 19 s.
 18. Kryazhev O.V. Zaikina N.A. Gross // Vestnik sportivnoy nauki. -2013.-№ 2.-C. 40-45.
 19. Kurova T.V. Soderzhaniye i metodika zanyatiy ozdorovitel'noy gimnastikoy s zhenshchinami pozhilogo vozrasta sfery umstvennogo truda: dis. ... kand. ped. nauk: 13.00.04 - SPb., 2016. -245 s.
 20. Matveychik T.V. Problemy v sostoyanii zdorov'ya naseleniya respubliki Belarus': vozrastnyye aspeky smertnosti // Medicus. –2016. –№ 1 (7). – S. 107-115.
 21. Motylyanskaya R.Ye. Fizicheskoye vospitaniye zhenshchin –M.: Fizkul'tura i sport, 1952.– 72 s.
 22. Mukhametov A.M. Fizicheskaya kul'tura kak vazhnyy faktor zdror'ya v pozhilom vozraste // Put' nauki. –2016. –T. 2.–№ 5 (27). –S. 22-23.
 23. Nikityuk B.A. Ocherki teorii integrativnoy antropologii - 2-ye izd. - M.; Maykop: Izd-vo Adyg. gos. un-ta, 1995. - 202 s.
 24. Nikolayev V.G. Antropologicheskoye obsledovaniye v klinicheskoy praktike — Krasnoyarsk: Izd-vo OOO «Verso», 2007. — 173 s.
 25. Perevoznikova N.I. Igrovaya fitness-tehnologiya v sisteme dvigatel'noy aktivnosti muzhchin zreloga vozrasta [Tekst]: avtoref. dis. kand. ped. nauk: 13.00.04 / Perevoznikova Nataliya Igorevna.-SPb, 2017. - 25 s.
 26. Chirkov V.A. Sotsial'no-gigienicheskoye issledovaniye kachestva zhizni lits pozhilogo vozrasta, prozhivayushchikh v razlichnykh sotsial'nykh usloviyakh // Sovremennyye issledovaniya sotsial'nykh problem (elektronnyy nauchnyy zhurnal. — 2012. — № 12(20). — www. sisp.nkras. ru.

27. Petukhov A.B., Nikityuk D.B., Sergeyev V.N. Meditsinskaya antropologiya: analiz i perspektivy razvitiya v klinicheskoy praktike M. : Medpraktika-M, 2015. 525 s.
28. Starchik D. A. Konstitutsional'nyye osobennosti soderzhaniya zhirovoy tkani u zhenshchin zrelego vozrasta (po dannym bioimpedansometrii) // Morfologicheskiye vedomosti. 2015. Vyp. 3. S. 35–40.
29. Tutel'yan V.A., Nikityuk D.B., Nikolenko V.N., Chava S.V., Minnabayev T.SH. Realizatsiya antropometricheskogo podkhoda v klinicheskoy meditsine // Vestn. antropologii. 2013. № 3 (25). S. 37–43.
30. Bannister, Judith, David E. Bloom, and Larry Rosenberg. 2010. *Population Aging and Economic Growth in China*. Cambridge, MA: The Program on the Global Demography of Aging, P- 575
31. Ethnic and gender variatyon in the dietary intake of rural elders / M. Z. Vitolins [et al.] // J. Nutr. Elderly. — 2000. — Vol. 19, № 3. — P. 15-29.
32. Bierman, Libby. 2011. “The Baby Boom = The BIG Boom in Healthcare.” *Forbes*. July 22. Retrieved January 31, 20-22
33. Butler, Martha, Marlisa Tiedemann, Julia Nicol and Dominique Valiquet. 2013. *Euthanasia and Assisted Suicide in Canada*. Ottawa: Library of Parliament Background Paper. Publication No. 2010-68-E. February 15. Retrieve June 6, 2014,
34. Kramer, A.F. Fitness, aging and neurocognitive function // Neurobiol Aging. 2005. № 26. P.124–127. doi: 10.1016/j.neurobiolaging.2005.09.009.
35. Ministry of Health Guidelines on physical activity for older people (aged 65 years and over). Wellington: MinistryofHealth, 2013
36. Hagedorn, D.K. Effects of traditional physical training and visual computer feedback training in frail elderly patients. A randomized intervention study // Eur J Phys Rehabil Med. 2010 № 46(2). P. 159-68.
37. Papa E.V. Resistance training for activity limitations in older adults with skeletal muscle function deficits: a systematic review // ClinInterv Aging. 2017 № 12. P. 955-961. doi: 10.2147/CIA.S104674.
38. Gillespie LD, Robertson MC, Gillespie WJ, Sherrington C, Gates S, Clemson LM, Lamb SE. Interventions for preventing falls in older people living in the community. Cochrane Database Syst Rev. 2012;
39. Ganse B, Degens H, Drey M, Korhonen MT, McPhee J, Muller K, Johannes BW, Rittweger J. Impact of age, performance and athletic event on injury rates in master athletics - first results from an ongoing prospective study. J Musculoskelet Neuron Interactions. 2014;14:148–154.
40. Sakuma. K. Sarcopenia and age-related endocrine function // Int J Endocrinol 2012. № 2012. P.10.
41. Feldman DI, Al-Mallah MH, Keteyian SJ, Brawner CA, Feldman T, Blumenthal RS, Blaha MJ. No evidence of an upper threshold for mortality benefit at high levels of cardiorespiratory fitness. J Am Coll Cardiol. 2015;65:629–630.
42. Funk, Laura, Neena Chappell and Guiping Liu. 2013. “Well-Being: Are There Differences by Cultural Group?” *Research on Aging*. 35(1): 78–95.
43. Weening-Dijksterhuis E, de Greef MH, Scherder EJ, Slaets JP, van der Schans CP. Frail institutionalized older persons: a comprehensive review on physical exercise, physical fitness, activities of daily living, and quality-of-life. Am J Phys Med Rehabil. 2011;90:156–168.
44. World Health Organization Global recommendations on physical activity for health. Geneva: WorldHealthOrganisation, 2014

Келиб түшгән вакти 02.10.2021